

Ishonch

2019 йил 4 май • шанба • № 57 (4186)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Юксак мукофотга муносиблик масъулияти

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти учун халқаро танлови соҳибларини тантанали тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



фукаронинг сўз, матбуот ва ахборот олиш ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, халқимиз оғирини енгил қилиш, тахририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарлари томонидан кўрсатилаётган амалий

ғамхўрлик оммавий ахборот воситалари ходимларининг моддий шароитини янада яхшилаш, уларнинг ижодини тўлақонли қўллаб-қувватлаш, журналист касбининг ижтимоий мақомини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Буларнинг барчаси янада фаол, ўз

ишига теран таҳлилий-танқидий назар билан қарай олишга, тинимсиз ижод қилишга, халқимиз, Ватанимиз, миллий манфаатларимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлишга чорламоқда.

2

КУН НАФАСИ



2019 йил 3 май куни «ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Унга мувофиқ,
— Халқ таълими вазирлиги тузилмасида 14 та штат бирлигидан иборат **Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти** ташкил этилди.

— **Халқаро олимпиадалар** ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг куйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) учун — 500, ўқитувчисига — 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун — 300, ўқитувчисига — 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун — 200, ўқитувчисига — 150 баравари.

— **Асосий олимпиадалар республика босқичи** ғолибларининг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг куйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун — 50 баравари;

2-ўрин учун — 35 баравари;

3-ўрин учун — 30 баравари.

— Халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун **директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама** тўланади.

— Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб **фаолият юритётган:**

халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз;

асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик **устама** ҳақи тўланади.

— Олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан шакллантириладиган истиқболли мутахассислар заҳирасига киритилади.

2019 йил 3 май куни «МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Қарор билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгилаб берилди:

— аҳоли ўртасида **фаол фуқаролик позициясини** шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган **демократик тамойилларни** қарор топтириш;

— мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг **мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;**

— оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида **ижтимоий-маънавий муҳитни ўрғатиш ва соғломлаштиришга** қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «**маҳалла — туман — вилоят — республика**» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги **ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш**, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

— «**Жаҳолатга қарши маърифат**» **ғояси** асосида жамиятда ўзлуқсиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

— тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётга, қадрият ва урф-одатларига ҳамда инсонпарварлик ғояларига ҳавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши **самарали тарғибот ишларини олиб бориш**;

— аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида **бунёдкорлик ғояларини** кучайтириш, **диний бағрикенглик** ва **миллатлараро тотувлик** муҳитини янада мустаҳкамлаш.

Шунингдек, ҳужжат билан **Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури** тасдиқланди.

Қарор асосида «**Маънавият фидойиси**» **кўкрак нишони** ҳам таъсис этилди.

Президент қарорларининг тўлиқ матни билан ishonch.uz сайтида танишинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2019 йил 3 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси иш бошлади.



Мажлис давомида сенаторлар «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Яйловлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар. Муҳокамалардан сўнг сенаторлар ушбу қонунларни маъқуладилар.

Мажлис давомида кўриб чиқилган яна бир масала — «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун янги норма билан тўлдирилишиди. Унга кўра тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табибати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг ҳулосаси асосида тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

«Тўғун органик ифлослантйрувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун кўриб чиқилиб, ушбу ҳужжат ҳам сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Навоий вилояти Нурота тумани Ҳозғон шаҳарчасини Ҳозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Ҳозғон шаҳрини вилоят бўйсунувидagi шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни ақунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «ОАВ демократия учун: Глобал ўзгаришлар жараёнида журналистика. Ҳақиқат ва нотўғри ахборот, профессионализм ва номуносиблик» мавзuida халқаро медиа-форум бўлиб ўтди.

Журналистика соҳасининг долзарб масалалари муҳокама қилинди

Форумга сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, дипломатик корпус вакиллари, медиа соҳада меҳнат қиладиган ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Унда Ўзбекистонда модернизация ва демократия жараёнларида сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, нодавлат электрон ОАВнинг фуқаролик позициясини фаоллаштириш, уларни ўтказилаётган ислохотлар ҳамда жамиятда янгилаш жараёнларига жалб этиш, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соҳа ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар таъкидлашча, Ўзбекистондаги янги ислохотлар жараёни оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам туб ўзгаришлар олиб кирди. Мамлакат журналистлари янгиликларни, мавжуд муаммо ва камчиликларни эмин-эркин ёза бошлади. Бу, албатта, жамият тараққиётига хизмат қилади. Форумда ЎЭОАВМА ва Би-би-си ўзбек хизматининг биргаликда ҳужжатли фильмлар яратиш ҳамда медиа-контент

айирбошлаш бўйича қўшма лойиҳаси тақдими намойиш этилди. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан эълон қилинган грант танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Форум пойтахтимиздаги «City Palace» меҳмонхонасида «Журналистлар баҳори» анъанавий медиа-фестивали тантанасига улашиб кетди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳалимов, ЎЭОАВМА бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари журналистлар байрам билан самимий қутлади.

Тадбирда ўзбек миллий либослари ва таомлари, хусусан, Гиннесснинг рекордлар китобида киритилган ошпазлардан палов танлови, мамлакатимиз ҳудудларининг ўзига хос анъана ва урф-одатлари тақдироти ўтказилди, ҳудудий телерадиостанциялар рағбатлантирилди.

Инобат АХАТОВА, ЎЗА мухбири

Шифокорлар шароити қониқарлими? 3



Бунақанги ёмғирдан сўнг... «сир»ларингиз роса очилади-да... 4



Юксак мукофотга муносиблик масъулияти

41 Юртимизда анъанавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» танлови соҳадатинимсиз изланаётган журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун эркин шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти учун ўтказган халқаро танловга ижодкорлардан қўллаб-материаллар келиб тушди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга ўтган бир йил давомида газета ва журнал-

ларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида ёритилган материаллар қабул қилинди. Тақдим этилган ижодий ишларнинг долзарблиги, ижтимоий аҳамияти, тезкорлиги, холис ва ҳаққонийлиги, халқ манфаатларининг теран ифодалангани каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Анъанага кўра, бу йилги танловда журналистика соҳасида бош миллий мукофот, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернат-журналистика йўналишларида асосий мукофот соҳиблари биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин бўйича аниқланди. Шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал», «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун», «Энг яхши фоторепортаж», «Энг яхши матбуот хизмати» каби рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ҳам ғолиблар эълон қилинди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари

федерацияси кенгаши, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси, шунингдек, Россия Федерацияси, АКШ, Хитой Халқ Республикаси, Туркия Республикасининг юртимиздаги элчихоналари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европа иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори офиси, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақавий экология марказининг филиали (РЭЦЦА), ЮСАИДнинг Сил касаллигига қарши кураш дастури, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), «DVV International» (Германия) ва бошқа ташкилотлар ҳам ўзи таъсис этган но-

минациялар бўйича ғолибларни тақдирлади.

Бош миллий мукофотга Халқаро пресс-клуб ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали жамоаси муносиб топилди. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

– Бугунги шиддатли замон журналистдан маънавий бедорликни, муттасил изланишни, ўз ишига теран таҳлилий-танқидий нигоҳ ташлаш салоҳиятини, халқ дардини ўз дарди каби қабул қила олиш салоҳиятини талаб этмоқда, – дейди Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев. – Ўтган икки ярим йил давомида жамоамиз чин маънода халқчил мулоқот майдонига айланди. Билдирилган бундай юксак ишонч бизларни янада



кўпроқ масъулият билан, халқимизга сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳақимов сўзга чиқди.

Тантанали маросимда санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XIV миллий мукофоти ғолиб ва совриндорлари

I. ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Халқаро пресс-клуб	Раҳбар: Шерзодхон Қудратхўжаев	Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида республикамизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакат ва жамият ҳаётидаги долзарб воқеалар муҳокамаларига бағишланган сессиялари учун
«O'zbekiston 24» телерадиоканали жамоаси	Директор: Мамадамин Сафаров	Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни, мамлакатда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили мақсад-вазифалари ижроси доирасида олиб борилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатларни тезкор ва таҳлилий ёритиб келаётгани учун

II. АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ТЕЛЕВИДЕНИЕ):

1-ўрин – «Mening yurtim» телеканалининг «Марказий студия» ахборот-таҳлилий кўрсатуви	Муаллиф ва бошловчилар: Сарвар Баҳодиров, Амирхон Пўлатов	Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тезкор ва таҳлилий ёритилган кўрсатувлари учун
2-ўрин – «O'zbekiston 24» телеканалининг «Муносабат» кўрсатуви	Муаллифлар: Қуддус Аъзамов, Нурали Орипов	Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини ривожлантиришга қаратилган кўрсатувлар учун
3-ўрин – Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси «Хабарлар» информацион дастури ижодий жамоаси	Гуруҳ раҳбари: Венера Сариева	Қорақалпоғистон Республикаси ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар мақсад-вазифалари ва самаралари, юз бераётган воқеа-ҳодисалардан аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот дастурлари учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (РАДИО):

1-ўрин – Камолова Наргиза	«Yoshlar» телерадиоканали бош муҳаррири	Ёшларга қаратилган давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган эшиттиришлари учун
2-ўрин – Игамбердиев Аваз	«Рухсор FM» радиоси бош муҳаррири	Республикада ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларининг амалий ифодаси, аҳоли фаровонлигида тугган ўрни ҳақидаги туркум материаллари учун
3-ўрин – Ўтмамова Феруза	Навоий вилоят телерадиокомпанияси 1-тоғали муҳаррири	Юртимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида аҳоли фаоллигини ошириш, томорқа маданиятини юксалтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга оид туркум эшиттиришлари учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ): 2 та биринчи ўрин (1-ўринга бериладиган мукофот иккига бўлинади)

1-ўрин – Мелибоев Аҳмаджон	«Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири	Маънавий-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган публицистик мақолалари, замонамиз қаҳрамонлари образини яратишдаги фаол иштироки учун
1-ўрин – «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти	Бош муҳаррир: Хусан Эрматов	Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, ташкилотнинг аҳоли билан мулоқотлари, уларнинг муаммолари ечимини топиш, ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фаолияти кенг ва таҳлилий ёритилган материаллари учун
2-ўрин – «Китоб дунёси» газетаси таҳририяти	Бош муҳаррир: Хосият Рустамова	Даврнинг ижтимоий, маънавий-маърифий масалалари, китобхонлик маданияти, мамлакат маданий ҳаётини таҳлилий ёритишга бағишланган туркум материаллари учун
3-ўрин – Мороз Юлияна	«Правда востока» газетаси мухбири	Мамлакатдаги янгиланишлар жараёни таҳлилий ёритилган материаллари учун

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА):

1-ўрин – Султонова Барно	habar.uz сайти шарҳловчиси	Ижтимоий-маънавий мавзулардаги материаллари учун
2-ўрин – Бегниязова Кумар	Kar24.uz интернет нашри мухбири	Долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий материаллари учун
3-ўрин – Шоева Сайёра	ЎЗА етакчи муҳаррири	uza.uz интернет сайтида мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотлар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун:

Санжар Эшмуродов	«Маҳалла» газетаси мухбири	Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли ислохотлар самаралари ҳамда соҳага оид муаммолар танқидий таҳлил этилган мақолалари учун
------------------	----------------------------	--

«Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун» номинацияси:

Жереми Хед	Журналист ва телебошловчи (Буюк Британия)	Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятига бағишланган материаллари учун
------------	---	---

«Энг яхши фоторепортаж учун» номинацияси:

Ҳаким Йўлдошев	«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари фотомухбири	Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб воқеалар таҳлилий ёритилган фотоматериаллари учун
----------------	--	---

«Энг яхши матбуот хизмати» номинацияси:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати	Матбуот хизмати раҳбари Санаев Фурқат	Вазирлик фаолияти ошқоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун
---	---------------------------------------	---

МИЛЛИЙ ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши:

- «Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун» – Хайриддинмурод Абулфайзов, «Ma'rifat» газетаси бош муҳаррири ўринбосари.
- «Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» – Жобир Хўжақулов, «Hurriyat» газетаси мухбири.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:

- «Худудий янгиликларга оид босма ва интернет нашрларидаги туркум материаллари учун» – Юсупов Фурқат (марҳум), Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар иттифоқида матбуот котиби бўлиб ишлаган.
- «Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг ижобий имижини оширишга қаратилган материаллари учун» – Жумабоев Дилмурод, «Наманганская правда» газетаси бош муҳаррири, Осиё журналистлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили.
- «Коррупцияга қарши кураш борасидаги ислохотлари таҳлилий ёритилган материаллари учун» – «Жамият» газетаси таҳририяти.
- «Давлатимиз томонидан эҳтиёжманд оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисидаги таҳлилий материаллари учун» – Гулнора Хожимуродова, «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

«Журналистнинг ахборот олиш имкониятлари масалалари чуқур таҳлил этилган материали учун» – Исламов Рамил, «Правда Востока» газетаси бўлим мудири.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси:

- «Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати ривож тўғрисидаги энг яхши материал учун» – Алишер Умирдинов, gazeta.uz сайти мухбири.
- «Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеоҳисобот (блог, видео-фильм ёки бошқа визуал маҳсулот) учун» – Диляфруз Қўлматова, «UzReport TV» телеканали шеф-муҳаррири.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори офиси:

- «Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли» – Беруний Алимов, журналист.
- «ОАВнинг суд ҳокимияти билан ўзаро алоқалари масалалари» (фейкка қарши кураш, журналистларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий тармоқларда ахборот хавфсизлиги) – Садоқат Аллобергенова, «Даракчи» газетаси масъул котиби.

Америка Қўшма Штатлари элчихонаси:

«Иқтисодийни ривожлантиришда Америка – Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун» – Ойдин Саъдуллаева, gujum.uz сайти мухбири.

Россия Федерацияси элчихонаси:

- «Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун» – Владимир Березовский, vesti.uz интернет нашри бош муҳаррири.
- «Россиянинг Ўзбекистон билан маданий-гуманитар ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун» – Юрий Корсунский, review.uz интернет нашри муҳаррири.
- «Россия ва Ўзбекистоннинг савдо-инвестиция ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал

учун» – Андрей Тешаев, podrobno.uz интернет нашри бош муҳаррири.

Туркия Республикаси элчихонаси:

- «Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун» – Элина Сакаева (gazeta.uz).
- «Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун» – Садоқат Дадаева, ЎзМТРК, «Mahalla» телеканали мухбири.
- «Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун» – Ҳотам Мамадалиев, ЎзАнинг Наманган вилояти бўйича фотомухбири.
- «Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун» – Суннатулло Абдуллаев, qalampir.uz сайти мухбири.

Хитой Халқ Республикаси элчихонаси:

- «Бир макон – бир йўл» лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик» мавзусига бағишланган энг яхши материал учун – Маруза Хосилова, «Инсон ва қонун» газетаси мухбири (Навоий вилояти).
- «Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун» – Мастура Хамроева, ЎзЖИУ Сурхондарё бўлими мутахассиси.

Project HOPE (ЮСАИД дастури) (АҚШ):

- «Босма ва интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун» – Шоҳиста Бозорова, «Қашқадарё» газетаси мухбири.
- «Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши телерадио материал учун» – Фароғат Барноева, Навоий вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири.
- «Сил касалига мубтало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касалига мубтало бўлганларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш) мавзусидаги материал учун» – Шухратжон Хуррамов, Франс-пресс (AFP) ахборот агентлиги мухбири.

«Минтақавий мулоқот»

халқаро ташкилоти (Словения):

«ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун» – Садоқат Аллобергенова, «Даракчи» газетаси масъул котиби.

DVV International (Германия):

«Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли тўғрисидаги материали учун» – Анора Содиқова, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси:

«Ўзбекистоннинг атом энергетикаси мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» – Мақсад Жангиров, «Новости Узбекистана» газетаси махсус мухбири.

Лола Раҳманбаева, kun.uz веб-сайти мухбири.

Жаҳонгир Абдурахманов, Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати ходими.

Европа Иттифоқининг

Марказий Осиё минтақавий экология маркази филиали (РЭЦЦА) –

Европа Иттифоқининг молиявий ёрдамида:

«Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигидан аҳолининг хабардорлигини ошириш, сув муаммолари ва уларнинг ечимлари ёритилган мақолалари учун»

1. «Энг ахборотга бой видеорепортаж» – Шоҳжаҳон Каримов, «Дунё бўйлаб» телеканали муҳаррири.

2. «Энг яхши фоторепортаж» – Мақсад Жангиров, «Новости Узбекистана» газетаси махсус мухбири.

3. «Энг ахборотга бой матнли мақола» – Наталия Шулепина, экожурналист.



Самарқанд вилояти

– Табиатнинг бу қудрати билан гоҳ-гоҳи беллашиб туришимизга тўғри келади, – дейди Камолдин ака Саидов. – Сувдан сира ранжимаганмиз. Қароқ, бўз ерлар сувга тўйганидан сунонамиз. Аммо бу йил йўл қурувчиларнинг «шарофати» билан бир муаммога дуч келиб қолдик...

Ҳап шундаки, катта тошйўлнинг Пангасойни кесиб ўтган қисми (кўприк йўқ) ўтган йили таъмирланди. Бу транспорт воситаларига кечувда бир мунча қулайликлар туғдириши керак эди. Аммо акси бўлиб чиқди.

– Кўкламги ёғингарчиликлардан сўнг сой пишқириб, кичик дарёга айланиб кетади. Сувнинг шашти қарийб икки ой пасаймайди, – дейди ҳайдовчи Шавкат Абдиев. – Саратон киргунча шу аҳвол. Ҳар кунни уч-тўрт мартаба сойни кечиб ўтишимизга тўғри келади.

Қўшрабтнинг ўзига хос баҳори бор. Аиниқса, серёғин келган кўкламда қир-адирлар яшил либосга бурканади. Соиларда шарқираган сувлар табиатга ўзгача тароват бахш этади. Тошиб-жўшиб оқадиған Пангасойнинг баланд дами, ҳайбатидан чўчимасдан ҳеч илож йўқ.

БУНАҚАНГИ ЁМҒИРДАН СЎНГ...

«сир»ларингиз роса очилади-да...

– Юз минг сўм берсангиз суд-раб чиқаман, – дейди трактор эгаси сувга бўккан машина эгасига.

– Эллик минг сўм берай, илтимос, – дея ёлворади ҳайдовчи.

Азият чекканга ичи ачишган қирғоқда турган ҳайдовчилар уни қўллади.

– Кечувдан ўтиш муаммо эмас, чиқишга оқибати шу-да! Сифатсиз бетонни сув аллақачон ювиб кетди. Энди ҳар қадамда сувнинг тагида, тикондек тик турган сим бўлакчаларига дуч келаямиз. Иккита шинани ишдан чиқардим. Ҳар ўтганда йўлни биладиган тракторчиларга пул бериб судратиб ўтормаймиз-ку.

– Кўкламги ёғингарчиликлардан сўнг сой суви ниҳоятда кўпайиб, кичик дарёга айланиб кетади. Сувнинг шашти қарийб икки ой пасаймайди, – дейди ҳайдовчи Шавкат Абдиев. – Саратон киргунча шу аҳвол. Ҳар кунни уч-тўрт мартаба сой сувини кечиб ўтишимизга тўғри келади. Баҳорда икки ойдан ошқ кўйналлардик. Кечувнинг бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланиши мушкуллимизни осон қилади, деб ўйлагандик. Йўл таъмирининг сифатсиз амалга оширилиши дард устига чипқон бўлаётир.

– дейди ҳайдовчилардан бири. – Аммо бу ерни таъмирдан чиқарган валломатлар бетон орасига арматура ўрнига оддий симни тўқиб

У ҳақ, Сув юзиде ирғалиб турган симларни-ку кўз илғайди. Аммо сув тубини англаш учун ғаввос бўлиш керак, шекилли...

Ана холос!

– Бир гуруҳ Франциядан ташриф буюрган сайёҳларни Нуротани томоша қилишга олиб кетяпман, – дейди исми шарифини ошкор қилишни истамаган микроавтобус ҳайдовчиси. – Бу ерда йиғилган кўплаб автотранспорт воситалари-ю оломонни кўриб, улар «Фавқулодда ҳолатга ўхшайди, ортага қайтайлик» дейишганини айтмасизми? Тилмоч орқали зўрға кўндирдим.

Самарқанд – Нурота катта трасса ўлининг Қўшрабт туманидан ўтган 108 километридаги аҳволни тасвирларга муҳрашга интилдик. Бир кеча-кундузда минглаб транспорт воситалари ҳаракатланадиган бу йўлда қачон вазият ўнганлади? Афтидан, мутасаддилар юзага келган аҳволдан беҳабар. Йўқса, мавжуд вазиятга холис баҳо берган, ёмғир сувида ювилиб кетган бюджет маблағларига бироз жони ачиган бўлар эди. Тағин билмадик...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Эзгулик иқлимларида

Момик чопон

Зарур иш билан шаҳарга боргандим. Юпунроқ кийинибман чоғи, беҳос ҳароратим кўтарилиб, қийин аҳволга тушиб қолдим. Вужудим дир-дир титрайди, бошимдаги оғриққа чидаб бўлмайди.

Ишимни битиргач, бекатгача базўр етиб келдим. Ҳаво борган сари совуб борарди. Бекатда ўтирган яп-янги пахмоқ чопонли нуроний киши юзимга ачиниш аралаш синчков тикилиб турди-да, елкамга қўлини қўйди.

– Сиз касалмисиз, ука. Рангингиз ўчган...

– Ҳа, шамоллаб қолдим чоғи. Эрталаб уйдан чиқётганимда ҳаво илиққина, куёш чарақлаб турарди. Шунга юпун кийинган эканман...

Ҳалиги киши ўрнидан сапчиб турди-да, чопонини ечиб, устимга ёпди.

– Бунни кийиб олинг, ука!

Бошқа ҳеч сўз эшитмадим.

Момикқина юмшоқ чопон зумдаёқ совуб кетган танамни иситди, жоним ором топди.

Хурсанд бўлганимдан ҳаяжонланиб, ҳалиги нуроний одамнинг қаёққа кетганини ҳам пайқамай қолганман.

На исмини, на манзини биламан... Ким эди у? Ким?

Ёшим етмишга бориб ҳам бу халоскор нуроний, гўзал, меҳрибон чеҳрани ҳали-ҳамон излайман. Ким эди У? Ким?

У кишининг елкамга ёпган момик чопони эса ҳали-ҳануз яп-янги ҳолида уйимнинг тўрида осигилиқ.

Чучваралар

Жудаям серзарда, жиззаки одамман. Ана шу феълим туфайли раҳматли онажонимнинг дилини кўп оғритганман. Энди эса... пушаймондаман.

Ушанда ишхонамда жимга-гадир қайфиятим бузилиб, жиғийборон ҳолда уйга кириб келгандим. Онам шўрлик одатига кўра мулоимгина сўрадилар:

– Овқат ейсанми, болам?

– Йўқ, қорним тўқ! – терс жавоб бериб ичкарига кириб кетдим ва ўзимни қаравотга ташладим. Онажоним хавотир олиб яна ёнимга келди.

– Болам, яхшимсан, нега овқатланмапсан?

– Ухласангиз бўлмайдим! – Шундай дея тескари ўғирлиб олдим.

Бир пайт кўзимни очсам, нақ тумшугимнинг тагида озодагина дастурхон ёзилган, устида эса болаликдан яхши кўрган таомим – чучвара турибди. Оппоқ чучварачалар...

Беихтиёр бақириб юбордим.

– Мен сизга қорним тўқ дедим-ку, эна!

– Чучварани жуда яхши кўрардинг-ку, болажоним! Эсингизми, болалигингда капалакдек чучвара қилиб беринг, деб эргашиб юрардинг. Мабоодо бир-икки донга тотасанми, деб қўйгандим...

Кўп ўтмай онам оламдан ўтдилар.

Мен эса... Онажонимни соғина бошладим, юрагимда қолган жароҳат шифобахш оналик малҳамини кўмсарди. Аммо қани у? Қани?..

Мана, ҳозир хонамда ёлғиз, оч ўтирибман. Онам туккан оппоқ чучваралар ҳам унинг билан бу оламни тарқ этгандек гўё...

Муродим УМРЗОҚОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Эълонлар

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «LG-OR TAKS» масъулияти чекланган жамиятига шу тумандаги «BUSINESS GOLD GLAMOUR» масъулияти чекланган жамияти қўшилмоқда.

Шу муносабат билан «LG-OR TAKS» масъулияти чекланган жамияти «BUSINESS GOLD GLAMOUR» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий ворисини ҳисобланади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

МҲҲ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик кимошди савдосига таклиф этади!

Очик кимошди савдосига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 441 VSF бўлган «Ласетти» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 32 846 000 сўм.
- 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 051 VSF бўлган «Дамас» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 102 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 082 VSF бўлган «Дамас» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 169 000 сўм.
- 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 166 VSF бўлган «Дамас» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 824 000 сўм.

- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 317 VSF бўлган «Отоуол» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 067 000 сўм.
- 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 274 VSF бўлган «Отоуол 35.9» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 107 000 сўм.
- 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 20 268 VSF бўлган «Матиз» русумли (носо) автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 128 000 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 11, 25 июнь ва 9, 23 июль кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Мазкур автотранспорт воситалари 2019 йил 11 июнь кунги аукцион савдоларида сотилиш қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабгорлар савдо ташкилотчисига савдода қатнашиш учун юзага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадилар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисобрақами (х/р: 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк»

Шайхонтохур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ: 83200)га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишга бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: (71) 249-54-59. Веб-сайт: ktias.uz

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва ҳалқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сенбаба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва сақияланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 09059, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтани
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев

Масъули:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуқалилов

Ушбу яқини – 02:15

Топширилди – 04:40

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Ғ – 517.

30112 нускада босилди.

Нашр қўрсаткичи: 133

1 2 3 4 6